

Бошқа бир ривоятда:

«Фақат Аллоҳ уни ўтиб кечиб юборса (ёзилмайди)», дейилган.

Икки Шайх ривоят қилишган.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ушбу ҳадиси шарифларида биз умматларини мухлис мусулмон бўлишга тарғиб қилмоқдалар. Чунки ўта мухлис мусулмон бўлмай туриб, ҳеч ким ўз Ислomini чиройли қила олмайди. Ўтган ҳадисларнинг бирида киши Ислominiнг чиройли бўлиши ичдан ҳам, устдан ҳам Ислominiнг ҳамма талабларига жавоб бера оладиган бўлиши билан амалга ошишини ўрганган эдик.

Инсон ўз Ислomini чиройли қилганда эса катта ва улкан мукофотга сазовор бўлар экан. Бу мукофот эса икки томонлама бўлади:

1. Унинг қилган ҳар бир яхши амали ўн баробардан етти юз баробаргача кўпайтириб ёзилар экан.
2. Унинг қилган ҳар бир ёмон амали ўз мислича, кўпайтирилмасдан ёзилар ёки Аллоҳ хоҳласа, кечириб юборилар экан. Бу эса албатта, мўмин банданинг олий даражаларга эришишидан далолат беради.

Бу ҳадиси шарифдан олинадиган фойдалар очиқ-ойдин кўриниб турибди. Фақат Ислomимизни чиройли қилишга уринишимиз қолди, холос.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобидан